

**1.XV аср иккинчи ярми ва XVI аср бошларида Мовароуннахрдаги вазият.**
Марказий Осиё айникса ўзбек халки тарихида –хонликлар даври алохида ўрин тутади. Кўп минг йиллик ўзбек халки тарихида бу давр ўзининг муддати билангина эмас, балки, шу даврда халкимизнинг ижтимоий-сиёсий хаётида юз берган жуда катта вокеалар билан хам ажралиб туради.
Темур вафотидан сўнг Темурий шахзодалар ўртасида бошланиб кетган тўхтовсиз урушлар сохибкирон не машаккатлар билан бунёд этган кудратли давлатни парчаланиб кетишига сабаб бўлди. Аста-секин бу кудратли давлат таркибидан катор давлатлар ва мулклар ажралиб чикиб кетди. Хоразмдан Астрободгача кенг худудда жойлашган туркманлар биринчилардан бўлиб темурийлар давлатидан ажралиб чикдилар. Худди шу вактда Фаргона водийси хам ажралиб мустакил бўлиб олди. Шунингдек, Хисор ва Бадахшон хам мустакил давлатга айланди. Натижада Ўрта Осиёдагина эмас балки, Хуросон ва Эрон худудларида хам темурийлар давлати йикилган эди.
Темурийлар даврида буюк Темур давлатининг бундай парчаланиб кетиши Гарбда Кора денгиз киргокларидан бошланиб, Шаркда Иртиш дарёси ва Балхаш кўлига кадар, жанубда эса Сирдарёнинг куйи окимларигача чўзилган. Кипчок даштларида яшовчи Ўзбеклар деб аталмиш туркий тилда сўзлашувчи кўчманчиларни Моварауннахр ерларига хужум килиб уни забт этишлари учун кулай шароит яратиб берди.
Ўз вактида мугуллар истилоси остида колган худуди забт этилиб, Жўжи улусига киритилган Дашти Кипчок ахолиси Жўжи ўлимидан кейин унинг ўгилларидан бири Шайбонкули остида ўзининг мустакил улусини ташкил этиш учун кураш олиб боради. Натижада Ёйик дарёсининг Шаркидан Сирдарё буйларигача бўлган ерларда бундай улус бапро этилади. XV асрда ана шу Шайбон бошчилигидаги улусда яшаган кўчманчилар ўзбек номи билан аталганлар.
XVI аср Хива тарихчиси Абдулгозийнинг ёзишича (1603-1664) асосан чорвачилик ва кўчманчилик билан шугулланувчи ўзбекларнинг кўпчилиги ёзни Ёйик дарёсининг юкори окимида, кишни эса Сирдарёнинг куйи окимида ўтказадилар. Бу ерда ўзбеклардан ташкари кипчоклар кўнгиротлар уйшун, найман ва бошка кабилалар хам яшаган бўлиб, улар ўша ўзбеклар таркибига кирар эди.

**2.Мовароуннахрда Шайбонийлар хукмронлигининг ўрнатилиши. Давлатни бошкариш тизими, солих сиёсати, ер-мулк муносабатлари.**
XV асрнинг 20 йилларига келиб Дашти Кипчок уруглари ичида Шайбонийлар уруги

(ўзбеклар) олдинга чикди. Бу уругнинг энг кўга кўринган вакили, кўчманчи ўзбеклар давлатининг асосчиси Абдулхайрхон бўлиб, у ўзидан олдин бу ерда хукмронлик килган Барокхондан фаркли ўларок, тахтни ўзгалар ёрдамида эмас, балки бир катор ўзбек кабилалари, чунончи Найман, Кўнгирот, Киёт, Дурман, Уйгур, Уйшун ва бошка кабилаларнинг ёрдамида эгаллади. У жуда киска вакт ичида йирик давлатни вужудга келтирди ва бу давлатни унинг ўзи 1428 йилдан 1468 йилгача бошкарди.
Биз юкорида таъкидлаганимиздек, Абдулхайрхон бошлик ўзбеклар асосан кўчманчи халк бўлиб чорвачилик билан шугулланганлар. Шу боис уларга чорвачилик махсулотларини хунармандчилик ва кишлок хўжалиги махсулотларига алмашадиган халклар ва худудлар керак эди.
Бунданг ташкари бу даврга келганда кўчманчи ўзбекларнинг катта кисми феодал муносабатларининг ривожланиши натижасида ўз ўтлок ва подаларидан ажраган бўлиб, уларнинг ўтрок хаёт кечириши учун Моварауннахр ерлари керак эди.
Шу ва бошка бир катор сабабларга кўра хали Абдулхайрхон давриданок ўзбеклар Сирдарёнинг куйи окимидаги Сигнок, Оккўргон, Сузок, Узган ва бошка ерларга хужум килиб, у ерларни босиб олди.
Кўчманчи ўзбеклар томонидан Моварауннахр худудларини эгаллаш учун кураш Абдулхайрхоннинг набираси Мухаммад Шохбахт Шайбоний даврида (1451-1510) кучайди. XV асрнинг иккинчи ярмида Моварауннахрдаги ўзаро курашлар билан банд бўлган темурийларнинг асосий ракиби шимолдаги мўгуллар эди. Уларнинг Моварауннахр ерларига тўхтовсиз талончилик хужумларидан безор бўлган темурий шахзодалар мўгулларга карши курашда Шайбонийхондан фойдаланиш максадида у билан иттифок туздилар. Бирок Шайбонийхон бу иттифокка тез-тез хиёнат килиб, гох темурийлар, гох мўгуллар томонида туриб харакат килар эди.
Шайбонийхон бобоси Абдулхайрхон Дашти Кипчокда ташкил этган давлатни бир томонлама кучайтириб, ўз олдига хали ўша бобоси режалаштирган Моварауннахр ерларини босиб олиш ишини хал этишни максад килиб кўйди ва уни амалга оширишга киришди. Бу ишга киришар экан, Шайбонийхон энг аввало 1480 йилда Козок хони Бурундукхонга катта зарба берди. Шундан сўнг Шайбонийхон 1488-1500 йиллар ичида Ўтрор, Ясси, Сиганок, Шахрисабз.Туркистон шахарларини эгаллайди. Шундан сўнг Темурийлар пойтахти Самаркандни эгаллашни ўз олдига максад килиб кўйди.
Шайбонийхон 1499 йилда дастлаб Самаркандни камал килганда бу ерда Султон Ахмад Мирзонинг ўгилларидан бири, Султон Али Мирзо хукмронлик киларди. Унинг кобилиятсиз, хар томонлама ожизлигидан хабар топган Шайбонийхон Самарканд шахрига кирмай Шахрисабз ва Карши шахарларини талаб Кипчок даштига кайтиб кетади. Озрок вакт ўтгач Шайбонийхон Тошкент хокими Махмудхондан озрок ёрдам олиб, Самаркандга янгидан хужум бошлайди. Худди шу пайт Бухоро хокими Мухаммад-Боки тархон кўшинлари Самарканд хукмдори Султон Али Мирзога ёрдамга келаётганлигини хакида Шайбонийхон хабар топади. Шундан сўнг у Самарканд камалини тўхтатиб, асосий кучларини Бухоро кўшинларига карши каратади натижада Дабусия калъасида (хозиги Зиёвуддин станцияси якинида) бўлган жангда (1500) Шайбонийхон кўшинлари галаба козонадилар. Шундан сўнг Шайбонийхон Бухорога томон шиддат билан харакат килади ва шахарни уч кун камалдан сўнг кўлга киритади. Шайбонийхон томонидан Бухорони кўлга киритилгани хакидаги хабар Самарканднинг хукмрон доиралари орасида саросима келтириб чикаради Самарканд хукмдори Султон Али Мирзодан норози бўлган амирларнинг бир гурухи Андижонда хукмронлик килаётган темурий Бобур ихтиёрига,

иккинчи гурухи, Султон Али Мирзонинг Тошкентда хукмронлик килаётган акаси Увайс Мирзо ёнига равона бўлдилар.
Вокеалар ривожини синчиклаб кузатиб турган Самарканд хокими Султон Али Мирзо бу вазиятда Шайбонийхон билан музокаралар олиб боришни лозим топиб, бир гурух ўзига якин кишилар билан унинг хузурига ташриф буюради.
Шу тарика Шайбонийхон 1500 йилда жангсиз Самаркандни биринчи марта эгаллайди. Султон Али Мирзони катл этиб, шахарни аёвсиз тарзда талайди..
Бирок, Самарканд  рухонийларининг кўзга кўринган намоёндаларидан бири хўжа Абдулмакарим ёрдамида Бобур тез орада Самаркандни эгаллаб, шайбонийларнинг шахарда колдирилган кўшинларини ва уларни тарафдорларини кириб ташлайди. Шундан сўнг Бобур Шайбонийхон кўшинларини таъкиб этишга киришади. Лекин 1501 йил апрелида Зарафшон дарёси бўйида Сарикўл деган даштдаги жангда талофат кўриб Самаркандга чекинади. Бу ерда 4 ой камалда бўлиб, охири 1501 йилнинг иккинчи ярмида Самаркандни ташлаб чикади ва Тошкент хокими Махмудхон хузурига кетади.
Шайбонийхон иккинчи марта Самаркандни кўлга киритиб, уни аёвсиз таладию Шайбонийхон Самаркандни кўлга киритгач, 1503 йилда Сирдарёнинг юкори кисмига караб юриш килди. Бу ерда (Тошкент хокими) Махмудхон, Бобир бошлик бирлашган кучларга дуч келди. Архиён ёнидаги шиддатли жангда улар устидан галабага эришиб. Тошкент, Шохрухия, Фаргона шахарларини кўлга киритди(1504).
Шайбонийхон 1505 йилда Хоразмни, Мовароуннахрнинг асосий шахарларини эгаллагач, Хуросонни ва унга карашли ерларни босиб олишни максад килди.
Хуросон султони Хусайн Бойкаро (Султон Хусайн) (1489-1506) ўзининг тўнгич ўгли Балх хокими Бадиуззамон билан бирга Шайбонийхонга карши курашмокчи бўлади. Лекин бу кўзланган натижани бермайди. Мухаммад Шайбонийхон Хиротга карши юриш арафасида Хусайн Бойкаронинг икки ўгли  Бадиуззамон билан Музаффар Мирзо ўртасида тахт кураши бошланади. Натижада Хирот тахтига улар бир вактда подшо бўлиб кўтариладилар. Бу Шайбонийхонга кўл келади. Шайбонийхон кўшинлари 1504 йилда Хисравшох хукмронлик килган Кундуз шахрини эгаллади. 1507 йилда эса Шайбонийхон Хуросон пойтахти Хиротни эгаллади, сўнгра Астрабодни эгаллади. Тахт талашган ака-ука темурийлар эса бири Гарбга, бири Шаркка кочди. Киска вакт ичида Шайбонийхон Темурийлар ерлари бўлган Бухоро, Самарканд, Балх Махшад, Нишопур, Каба шахарларини эгаллади. У Сирдарёдан Афгонистонгача бўлган ерларнинг хукмдори бўлиб олди. Факатгина Сирдарё  бўйидаги ерлар Тошкент хукмронлигида бўлсада, булар хам Шайбонийхонга ярим карам эди. Хуллас Шайбонийхон 8 йил ичида Тимурийлар давлати худудларини бутунлай истило килди. Шайбонийхоннинг бирин-кетин берган харбий зарбалари туфайли Темурийлар давлатининг кулашига олиб келган асосий сабаблар хакида хам алохида тўхталиб ўтиш зарур бўлади.
Бу хакда гапирар эканмиз, аввало Шайбонийхон хужуми арафасида ўлкадаги ижтимоий-иктисодий ахволни ёмонлиги, мехнаткаш халк оммасининг кашшок хаёти кўчманчи ўзбеклар-галабасининг асосий омилларида бири бўлганлигини кўрсатиб ўтиш зарурдир.
Ахвол шунга бориб етган эдики, Фаргонадек ери серунум, дехкони миришкор юртда ўзбеклар хужуми кунларида 3-4 минг аскарни бокиш учун маблаг йўк эди.
Темурийлар ўша даврдаги огир иктисодий ахволини улар саройида хизмат килган ўз даврининг забардаст шоирларидан бири Биноий  шундай хикоя билан ифодалайди: “На егулик галлам бор ва не кийимга гамланган бахмалим бор. Еядигани, киядигани бўлмаган

киши илм ва хунарга кандай урина олсин."
Ана шундай огир иктисодий ахвол сабаб мамлакатда кўп рухонийлар ва зиёлилар Шайбонийхон тарафига ўтиб кетган эдилар.
Тиниб-тинчимаган Шайбонийхон 1508-1509 йилларда козок ерлари устига юриш килди ва ерларни эгаллади. Натижада Шайбонийхон бир томондан Каспий денгизи киргокларидан Хитойгача, иккинчи томондан Сирдарё киргокларидан Марказий Афгонистонгача чўзилган ерга эга бўлган йирик феодал давлатга эга бўлди.
Бу билан хам кифояланмаган Шайбонийхон 1510 йилдан бошлаб колган Хуросон ерларини босиб олишга киришди. Худди шу вактда. Яъни XV асрнинг охирларида Эрондаги ўзаро фоодал урушлар натижасида хокимият тепасига сафафийлар сулоласининг кўзга кўринган вакили Исмоил Сафавий келган эди. Исмоил Сафавий Хуросонни Шайбонийхондан тортиб олмокчи бўлди. Шайбонийхон бунга кўнмади. Натижада Исмоил Сафавий Шайбонийхонга карши кўшин тортди ва 1510 й. декабрда Марв ёнидаги жангда Шайбонийхоннинг 17 минглик армияси кириб ташланди. Шайбоний асирга олиниб калласи кесилди ва уни калласидан шох Исмоил шароб ичадиган идиш ясатди.
Исмоил Сафавий бутун Хуросонга эга бўлиб чегаралари Озарбайжондан Богдодгача чўзилган Эрон давлати худудларини янада кенгайтирди.
Шайбонийхон ўлдирилгач, Хоразм хам Эрон шохи Исмоил кўли остига ўтади ва Хоразмда Эронлик "кизилбошлар" хукмронлиги бошланди.

**3.Бухоро амирлиги. Ижтимоий-иктисодий ва маданий хаёт**

Бухоро иктисодий ва маданий марказ сифатида Шайбонийлар давридан бошлаб кучая бошлаган эди. Шайбонийлар сулоласининг кўзга кўринган намоёндаларидан бири бўлган Убайдулло Султон 1533 йилда Шайбонийлар сулоласининг олий хукмдори этиб кўтарилди. 1512 йилдан бошлаб Бухоронинг ноиби бўлиб турган Убайдулла Самаркандни бошкариб турган Кўчкинчихон авлодлари билан ораси ёмонлиги туфайли хокимиятни Бухородан туриб бошкарди. Бухоро мамлакатнинг сиёсий-маъмурий марказига айланди. Бухоро расман хонлик сифатида Шайбонийлардан бўлган Абдуллахон II даврида 1557 йилда вужудга келди. Абдуллахон 1557-1598 йилда хукмронлик килди. Абдуллахон II ўз олдига илгари, яъни Мухаммад Шайбоний давридаги Шайбонийлар давлатининг кучли мавкеини тиклаш ниятида Тошкент хокимлари, Хисор амирлари, Самарканд султонлари билан тўхтовсиз урушлар олиб борди. Бу конли урушлар сабабли ўлкада бўлиб ўтган дахшатли вокеалар Хофиз Таниш Бухорийнинг "Абдулланома" асарида баён этилган. Абдуллахон II ўз хукмронлиги даврида олиб борган тинимсиз урушлар натижасида 1573 йилда Фаргона, 1574 йилда Шахрисабз, Карши, Хисор, 1578 йилда Самаркандни ўзига каратгач, 1582 йили Дашти Кипчок хукмдори Барокхоннинг ўгли Бобохонни устига хам юриш килди ва унинг устидан галаба козониб, Шохрухия, Сайрам, Охангарон шахарларини эгаллади. Шундан сўнг сал вакт ўтмай 1583 йилда Балх шахрини 1584 йилда эса Бадахшонни эгаллади. Нихоят 1595 йилда Хоразм хам. Абдуллахон II томонидан босиб олинди. Шундай килиб, Абдуллахон II XVI асрнинг 90 йилларининг бошларигача бутун Марказий Осиё ерларини ўз кўлига киритишга муяссар бўлди. Абдуллахон II Бухорони ўз давлатининг пойтахти сифатида маъмурий, иктисодий хамда маданий жихатдан хар томонлама ривожлантирди. Унинг давлати ўзининг иктисодий, харбий ва маданий кудрати жихатидан ўз даврининг энг кучли давлатига айланди. Шу боис бир катор дунё мамлакатларининг . Абдуллахон II давлатига бўлган эътибори ва

кизикиши ортиб борди. Бу ўз навбатида . Абдуллахон II нинг бошка мамлакатлар билан турли сохалардаги алокалар ўрнатилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиб берди. Хусусан, 1558 йилда Москва князи Иван Грозний Антоний Женкинсон бошчилигидаги ўз элчиларини Бухорога жўнатади. Ўз навбатида . Абдуллахон II хам ўз элчиларини Москва князлари Иван Грозний ва унинг ўгли Федорлар хузурига юборган. Бундан ташкари, . Абдуллахон II 1572, 1576 йилларда ўз элчиларини Хиндистон подшоси Акбаршох хузурига юбориб, бу билан Акбаршохни Эрон шохи шох Аббосга карши биргаликда курашга тортишга харакат килади. Ўз навбатида Хиндистон подшоси Акбар хам совга-саломлар билан . Абдуллахон II га ўз совга-саломларини юбориб турган. Бирок, Абдуллахон II хукмронлигининг сўнг йилларида Бухоро учун огир кунлар бошланди. Козок хони Таваккалхон Москва подшоси Федор Иванович васаллигига ўтиб, унинг ёрдамида Абдуллахон II га карши кураш бошлади ва тез орада Тошкент, Туркистон, Самарканд ва Андижон шахарларини эгаллади.
1598 йилда ўз ўгли Абдумўмин томонидан, Абдуллахон II ни ўлдирилиши Шайбонийлар давлати инктирозини янада тезлаштирди. Аммо, Абдуллахон II ўлгач, хонлик тахтига 1601 йилга келиб, уни 1753 йилгача яъни 150 йилдан ортик бошкарган Аштархонийлар (Жонийлар) сулоласи вакиллари Бокимухаммадхондан (1601-1605) тортиб то Абулфайзхонгача (1711-1747) даврида Бухоро хонлигида ижтимоий-сиёсий ахвол ёмонлашиб, мамлакат янада заифлашди. Натижада Эрон шохи Нодиршох 1740 йилда Бухорони катта кисмини босиб олди ва Бухоро тахтига ўз тарафдори Мухаммад Хаким Оталикни ўтказди. Лекин, 1747 йилда Нодиршох ўлгач, отасининг ўрнига оталик этиб кўтарилган Мухаммад Рахим Аштархонийлар сулоласининг охирги вакили Абулфайзхонни катл эттириб, Бухоро тахтини эгаллайди ва 1753 йилда ўзини амир деб эълон килади. Хонлик эса шу вактдан бошлаб амирлик деб атала бошлайди.
Бухоро хонлигида иктисодий хаёт ўта огир бўлган. Бунга тўхтовсиз урушлар ва тахтда ўтирган хону амирларнинг кўпчилигининг тутуруксиз сиёсати сабаб бўлган. XVII-XVIII асрларда молия тизимини асосини Бухорода араблар истилосидан бери сакланиб келаётган хирож(хосилни 5Г1 дан 3Г1 кисмигача бўлган микдорда ер солиги ва ушр (даромаднинг ўндан бири) ташкил этган. Бухоро хонлигида хам Хива хонликларидаги сингари ерларнинг кўпчилик кисми давлат кўлида бўлган. Бухорода давлат ерлари “Амлоки подшохи” ёки “Амлоки султони” дейилган. Бундай ерлар тарихда “Мулки девони” номи билан аталиб Бухоро ва Хоразм хонликларида то октябр тўнтаришигача сакланиб келди. Хонликда ернинг иккинчи тури “Мулк ерлари” ва учинчиси “Вафк” ерлари бўлган. Барча хонликлардагидек Бухоро хонлигида хам суд хукмрон синфлар-бой феодал синфлари кўлида зулм ва эксплуатация куроли эди. Хамма козилар тепасида олий кози (кози калон) турган. У амир томонидан тайинланиб, давлатдаги хамма козилар иши устидан назорат килган.
Суд жараёни ислом шариати асосида олиб борилган. Суднинг чикарган хукми ўзгармас бўлган. Чунки унинг хукмини бошкадан кўриб чикадиган ташкилот бўлмаган. Кизиги шундаки, суд жараёнида иккита аёлнинг судга берган кўрсатмаси бир эркакнинг кўрсатмасига тенг бўлган. Жазолар турлича бўлган факат чикарилган ўлим жазоси ижрочи учун козилар амирдан рухсат олишлари зарур бўлган.
Хонликда давлат даромадининг кўп кисми савдодан олинадиган тўловлар хисобига яратилар эди.
Бухоро хонлигида кўшинлар мунтазам бўлмай, лозим бўлганда хоннинг махсус фармонига асосан тўпланадиган ўз шахсий гвардиясига эга бўлган. Улар кўпрок ўзга

давлат кулларидан (руслар ва колмиклардан) ташкил топган. Бухоро амирлигида кўшинлар сони XIX асрнинг 60 йилларига 10-11 минг киши бўлган.
XIX аср бошларида Бухоро хонлигида 36000 минг навкари бўлган. Уларнинг бир кисми Бухорода, колганлар хонликнинг бошка ерларида яшаб амирдан "танхо" сифатида олган ер ва дехконларига эга бўлганлар.
Бухорода артиллерия деярли йўк бўлса, 13 та станоксиз мис тўпи бўлган. Шулардан биттасидан байрамларда отилган.
Бухоро хонлигида бу даврдаги маданият хакида гапирилганда шуни айтиш керакки, ўзаро урушлар маданиятни хам огир ахволга солиб кўйди. Хонликда акидапарастлик авж олди. Бу ерда 300 масжид 50 дан ортик мадрасалар бўлса, улар маорифни ривожлантиришга етарлича хисса кўшолмади.
Хонликда ана шу даврда математика, астрономик сохаларида йирик олим Мулло Турсун Фарозий, мусикачи Кавкабий, йирик фалсафашунос олим мулло Юсуф Корабогий (1644-1648) ва бошкалар яшаб ижод этган.
Тарих сохасида хали катор ишлар килинган. Аштархонийлар инкирози хакида уларнинг сўнги вакилларидан бир нечаларини аянчли ўлими хакида куйловчи "Мукимхон тарихи", "Убайдуллохон тарихи" каби тарихий асарлар ёзилган. Хонликда айникса, Субхонкулихон даврида (1680-170 ) махсус мадраса-шифохона ташкил этилган, унинг ўзи Нишоний тахаллуси билан шеърлар ёзган, кўп олим фузололарни, шоирларни тўплагани хакида маълумот бор.
Субхонкулихон даврида Турди ва Махмур каби шоирлар ижод этган. 1682 йилда Мухаммад Вали Самаркандий деган шоир "Музаккирул асхоб" мажмуасини тузиб унда шу даврда яшаб ижод этган 200 дан ортик адабиёт арбобларининг таржимаи холини берган.
Мухаммад Балхий "Субхонкулихон" асарини, Мирмухаммад Амин "Убайдуллохон" асарини ёзди. Шу даврда XVII аср шоирларидан Сайидо Насафий Гофир Самаркандий (аттор), Масихо (темирчи), Манзур Самаркандий (этикдўз), Мулла Сарафроз, Фитрат каби демократик шоирлар яшаб ўтган.
Шоир Турди Субхонкулихонни халкка карши сиёсатини фош этувчи шеърлар ёзган. Халкни хон хокимиятига карши курашга чакирган. Бу даврда Сўфи Оллоёр ва Машраб яшаб суфийлик гояларини илгари суради. Суфийлар тасаввуфнинг 4 коидаси: Шариат, тарикат, маърифат ва хакикатга амал килишни илгари сурадилар. Улар тангрига бўлган мухаббатларини, шеърларда изхор этадилар. Шунингдек, улар инсон, махбуб, моддий дунё ноз неъматларидан бахраманд бўлиш хакида куйлайдилар.
Меъморчилик охасида хам анча иш килинади. Самарканддаги Регистон аталмиш бош майдон шу даврда шаклланади. Шу даврнинг энг бой кишиларидан бўлган Ялангтўшбий, Шердор ва Тиллакори мадрасаларини курдирди. Хўжа Ахрор кабри олдида мадраса ва номозгох курилди. Абдулазизхон даврида(1645-1680) бир канча мадрасалар курилди. Хали XVI асрдаёк Бухоро ўзининг ажойиб рассомлари, хуснихатчилари билан шухрат козонган эди. Кулёзмаларни хуснихат килиб кўчириш, миниатюралар ёзиш, авжига чиккан эди. Бу даврда Бухорода яшаб ижод этган рассом Шайхзода Махмуд, Абдуллолар ўз даврининг атокли хуснихатчилари эди.
Мухаммад Рахимдан кейин Бухоро тахтида мангитлар сулоласидан Шохмурод, Хайдар, Насрулло, Музаффар, Абдулахад, Олимхонлар ўтиришди. Уларнинг хар бири хукмронлик килган йиллар ўзига хос мураккаб зиддиятли хусусиятларга эга. Бухоро хонлиги 1920 йил 2 сентябрда болшевойлар томонидан агдарилди.

**4.Хива хонлиги.**

Хоразмда 1511 йилда Эронлик “кизилбошларга” карши фитна уюштирилди. Ўз вактида Абдулхайрхонга карши чиккан Хоразмдаги ўзбек уруглари ўша Кипчок Даштида Шайбонийлар билан ёнма-ён яшаган ва улар билан нодўстона муносабатда бўлган Берка султоннинг икки ўгли Эльбарсхон билан Бильбарсхонни Хива тахтига яширинча таклиф киладилар. Ака-укалар бу таклифларга кўра Хивага келадилар. Хива халки “кизилбошларни” гдариб Эльбарсхонни хон этиб кўтардилар. Бу вокеа 1511 йилда содир бўлади. Хонлик тасарруфига Хоразм-Амударё этакларидаги кадимий дехкончилик вохаси, Мангиткишлокнинг Абулхон тоглари Машхади Мирсиён ва Ўзбой атрофидаги худудлар кирган. Эльбарсхон тез орада Хоразм ерларини шимолий Хуросоннинг каттагина ерлари, Амударёнинг ўнг сохилидаги ерлар ва Туркистоннинг жанубий ерларигача бўлган ерлар хисобига кенгайтирилди. Ва ана шу худудда Хива хонлигига асос солди. Хонликнинг пойтахти дастлаб Вазир шахри, кейин Кўхна Урганч ва Хива бўлган.

Бирок, 1511 йилда Эльбарсни Хива хонлигига асос солган бўлсада, унинг ўзининг давридаёк хонлик бир неча феодал эгаликларга бўлинган бўлиб, уларни бошкараётган шахзодалар ўртасида узлуксиз феодал урушлар бўлиб турди. Айникса, бу урушлар 1538 йилда Эльбарсхон ўлгач (Эльбарсхон 1511-1538 йилда хукмронлик килган) унинг ворислари даврида кучайиб кетади. Бунинг устига Хива хонлигига карши Шайбонийлардан Убайдуллахон (1538) юриш килди ва Хива хони Аванешни ўлдириб, ўрнига ўз ўгли Абдулазизни ўтказади. Унинг даврида яна феодал урушлар кўпаяди. Буни айникса Хива тахтида Араб Мухаммад (1602-1643) ўтирган даврда яккол кўриш мумкин эди. Кискаси XVI аср 40-йилларидан бошлаб Хива хонлигида ўзаро курашлар, айникса хонликдаги ўзбеклар билан туркман уруглари ўртасидаги зиддиятлар, колаверса атрофдаги козок ва калмикларни хужумлари хонликни заифлаштирди. Хонликдаги бундай огир ахволдан фойдаланган Бухоро хонлари Субхонкулихон (1680-1702) ва Эрон шохи Нодиршохлар (1740) Хива тахтини ўз кўлларига киритадилар. Бирок Хива хонлигида бундан кейин хам тинчлик бўлмади. Бу ерда Эрон хукмдорларига карши тез-тез галаёнлар кўтарилиб турди. Бундан фойдаланган ўзбек кабилаларидан бири-Кўнгирот уругининг бошлиги Мухаммад Амин Инок хонлик тахтини эгаллаб, хонликда янги-кўнгирот сулоласига асос солди.

Хива хонлигида (XVI аср ) бошкарув тизими жуда мураккаб бўлиб, уругчиликка асосланган бюрократик тизим мавжуд эди. Хивада бошка хонликлардан фаркли ўларок инок деган лавозим бўлиб, бу лавозимни эгаллаган одам хондан кейинги одам хисобланиб, амир-ул-умаро, яъни хукмдорлар хукмдори деб аталарди. Хонликда девонбеги хам бўлиб, у хоннинг ўзидан кейинги амалдор хисобланарди. Яна кўшбеги деган лавозим бўлиб, унга хонликнинг жанубий кисмидаги ўтрок ахоли буйсунарди. Бу ерда хон, вазир ва кушбегидан ташкари яна 5 кишидан иборат хон маслахатчилари (улар уруг бошликларидан тузиларди) бўлган хар уруг бошликларидан (иноклар ва оталиклар) 2 киши давлат бошкарувига кирган.

Хива хонлик бошкарувида ясовуллар штати бўлган. Яна юзбоши, мингбоши каби амалдорлар бўлган. Яна жойлардаги амалдорлар ўзларининг куйи бошкарув тизмларига эга бўлиб, ўз ерларини мустакил бошкаришган. Хонлик ўз навбатида округларга бўлинган бўлиб, уларни хокимлар ва козилар бошкарган. Хонликда яшовчи туркман, козок ва коракалпоклар хокимларга буйсўнмай, факат ўзларининг уруг бошликларига итоат килганлар. Туркманларда улар бек хамда вакиллар дейилса, коракалпок ва

козокларда бий деб аталганлар. Хонликда дин ахлари: сўфилар, шайхлар катта хурмат эътиборга эга бўлганлар.
Хонликда XIX аср 1 ярмида хам феодал муносабатларнинг ривожланиб боришига карамай, ўтмиш патриархал хаёт колдиклари сакланиб колаётган эди. Ер хамда сув хон, йирик феодаллар кўлида эди. Айрим феодаллар кўли остидаги ерлар 15 минг танобни ташкил килганда, оддий жамоа аъзоси бўлган дехконнинг ери 1-2 танобдан ошмас эди. Рус элчиси ((Москва) Иван Хохлов маълумотига кўра XVII асрда хон кўшинлари сони 15 мингдан 30 минггача бўлган.
Хива хонлиги иктисодини бу даврда огир соликлардан тушган пуллар ташкил килган. Иктисодий хаёт хонликда жуда огир бўлган. Хива хонлигида ернинг бир кисми хукмронлик килдаётган сулола аъзоларига (тўраларга), шунингдек харбий бошликларга (саркардаларга) хамда вакф ерлари сифатида масжид-мадрасаларга берилган. Бу ерларда ишловчи ижарачилар “беватанлар”, “яримчилар” деб аталганлар. Оддий мехнаткаш хонга “салгут” деб аталган огир ер солигини тўлаган. Яна “бегар”деб аталган мажбурият бўлиб, бунга асосан хар бир хонадондан бир киши 12 кун давомида хонга ишлаб берган. Ахолининг дехкончилик билан шугулланадиган кисми сувни етишмаслигидан азоб чеккан. Бойларнинг ерларида куллар ишлаб зилган. Шахардаги хаёт бу даврда огир бўлган. Шахар ахолиси хунармандчилик, айримлари дехкончилик билан шугулланган. Бугдой, арпа эккан, курт бокишган. Савдо кам ривожланган. Чунки карокчилар хужум килиб турган. Савдони огир ахволга тушиши шахар ахолиси хаётини ёмон ахволга тушириб кўйганини 1558 йилда хивани кузатган Женкинсон ёзади.
1573-1575 йилда Амударё ўз изини ўзгартиради натижада эски изи атрофидаги жойлашган кишлок ва шахарларда хаёт тўхтайди. Одамлар эски Урганчдан, янги Урганч жануброкка ўтиб яшайдиган бўлади.
Амударё эски ўзанини куриши хонлик марказини Хивага кўчишига сабаб бўлади.
Амударё ўзанини ўзгариши мамлакат иктисодий хаётига катта таъсир килди. Хонлик хазинаси бўшаб, хатто амалдорларга хам йиллаб ойлик тўланмай колди.
Кишлок хўжалигида асосан кўл мехнатидан фойдаланилган. Мехнат куроллари колок бўлган. Бу ўз навбатида хонликда иктисодий ахволни ёмонлигига сабаб бўлган Хар уч хонликда, жумладан Хива хонлигида хам ўз пули бўлган. Бу пуллар олтин, кумуш тангалар ва мис пулдан иборат бўлган.
XVIII аср бошларига келганда иктисодий тушкунлик вужудга келди. Бунга сабаб шу даврда ўзбеклар билан туркманлар ўртасидаги тўхтовсиз урушлар, Бухоро хонларининг Хива хонлари ички ишларига аралашуви, Козок колмикларини тўхтовсиз хужумлари, Эрон шохи Нодиршохни Хоразмни 1740 йилда босиб олиши (Элбарсхон даврида) бўлди. Бундан фойдаланган Петр 1 1714-1717 Хоразмга Бекович-Черкасский экспедициясини юборди. Бу вактда Хива тахтида Шергози хон ўтирган эди. (1715-1718 йиллар)
Хива хонлигида ахоли XIX аср I ярмида 350000-500000 ни ташкил килган. Асосий кисми ўтрок ахоли эди. Бир кисми чорвачилик билан шугулланган.
Бухоро амирлигида социал-иктисод ва маданий хаёт хакида тўхталадиган бўлсак, шуни алохида таъкидлаш зарурки, давлат тузуми
1804 йилда Кўнгирот иноклари йирик вакилларидан бири Мухаммад Рахимхон Хива тахтини эгаллаб, 1806-1825 йиллар давомида хонлик килади. Унинг даврида хонлик хар тарафлама кучаяди ва марказий хукумат мустахкамланади. Лекин унинг ворислари Мухаммад Эминхон, Кутлимурод, Олакуллилар даврида Хива хонлигидаги ахвол яна мураккаблашди. Хива хонлиги 1920 йил февралида большевойлар томонидан агдарилди.

**5.Кўкон хонлиги. Ижтимоий-сиёсий ва маданий хаёт.**
Ўрта Осиёда энг кейин вужудга келган хонлик бу Кўкон хонлиги эди. Хонликка 1710 йилда минг кабиласидан чиккан Шохрухбий асос солди. Бу ерда шуни алохида кайд этиш зарурки, Шайбонийлардан сўнг Бухоро тахтига ўтирган Аштархонийлар сулоласи даврида шу сулола вакилларининг тахт учун ўзаро курашлар туфайли Бухоро хонлиги иктисодий ва сиёсий жихатдан анча ночор ахволга тушиб колган эди. Бундан фойдаланган Фаргона XVIII аср бошларидаёк Бухородан мустакил бўлиб ажралиб чикди. Бу ерда дастлаб хокимиятни Чодак кишлоги хўжалари кўлга киритди. 1710 йилда эса хўжалардан хокимиятни ўзини Чингизхон авлодидан деб хисоблаган, ўзбекларнинг минг уругидан бўлган Шохрухбий олади. Кўконнинг биринчи хони Шохрухбий 1710-1721 хукмронлик килади.
Минглар тез орада ўз кўлларига Сирдарё бўйидаги ерларни хамда Еттисувнинг бир кисмини киритадилар ва ана шу худудда Бухородан мустакил янги давлатга яъни хонликка асос соладилар. Шохрухбий ўз давлатининг пойтахти этиб, Кўкон шахрини танлайди. Бу шахар араб сайёхларнинг хабарига кўра жуда гўзал ва бахаво шахар бўлиб,  Хуканд ёки Хавоканд кишлоги ўрнида курилган.
Катор тарихий маълумотлар жумлададан тарихчи Абдулкарим Бухорийнинг колдирган маълумотларига кўра  “Фаргона” деб аталган бу мулк айникса Шохрухбийнинг ўгиллари Мухаммад Рахимбий (1721-1740) ва Абдукаримбий (1740-1760) хукмронлиги даврида иктисодий, сиёсий ва маданий жихатдан анча ривожланади. Бу даврда унинг худудлари кенгайиб, Кўкон, Андижон, Маргилон каби шахарларда савдо-сотик ва хунармандчилик ривожланади.
Норбутабий (1769-1800), Олимбек (1800-1809) Умархон (1809-1822) хукмронлиги даврида эса хонликка атрофдаги  ерларни кўшиб олиш шунингдек, марказий хокимиятни кучайтириш максадида жойлардаги  феодаллар ва бекларнинг ўзбошимчалик хатти-харакатларини бостиришга каратилган ишлар олиб борилди.
Масалан, Норбўтабий ўз хукмронлигининг дастлабки йилларидаёк Чуст ва Наманган хокимларининг марказий давлатга буйсунмай ўзбошимчалик билан сиёсат олиб боришларига карши шиддатли кураш бошлади ва уни галаба билан якунлади. Шундан сўнг яна бир ўзбошимча хукмрон-Хўжанд хокими устига юриш уюштирилиб, унинг устидан хам галаба таъмин этилиб, анча йиллар давомида Бухоро амирлигига буйсуниб келган бу шахар Кўкон хонлигига узил-кесил кўшиб олинди.
Ўзининг тўхтовсиз урушлари ва каттиккўллик билан олиб борган сиёсати туфайли Кўкон хонлигининг хам худудий хам сиёсий жихатдан кудратини юксалтирган Олимхон 1809 йилда фитна йўли билан ўлдирилгач,  шу фитнада фаол  катнашган унинг укаси Умархон хонлик тахтига ўтиради. Умархон ўзининг хонлик йилларида Бухоро амирлигига карашли Туркистон ерларини босиб олиш учун уруш олиб борди. У бу билан чегараланиб колмай, Сирдарёнинг юкори кисмида яшовчи козоклар устига хам юриш килиб, уларни хам ўз худудига кўшиб олади. Тошкент, Бухоро, Хива йўллари кесишган жойда Окмачит калъасини курдирди. Унинг даврида хонлик хар тарафлама янада кучайди. Буни сезган Умархон ўзига “Амир ал-Муслимин” унвонини  берилишини талаб килди ва бунга эришди. Натижада у ўз номини жума номозда хутбага кўшиб ўкитиш хукмига эга бўлди. Бундан ташкари унинг номи билан танга пул хам забт этилди.
Умархон ўлгач хонлик тахтини унинг 12 яшар ўгли Мухаммад Али (1822-1842) эгаллади. Унинг даврида хонликда бир катор мавхум вокеалар содир бўлдики, булар хонликни унинг ахолисини кейинги хаётига хар тарафлама салбий таъсир килмай колмади. Гап

шундаки, Мухаммад Алихон 1829 йиллар давомида Шаркий Туркистон ва Кошгарга, хамда Коратегин тожиклари устига муваффакиятли хар-хил юришларни амалга оширди ва ўзига “Гозий” яъни дин йўлида курашувчи деган номни олди. Бирок, шунга карамасдан мамлакатдаги дин пешволари ичида унинг душманлари хам кўп эди. Ўша дин пешволари Мухаммад Алини шаккок, худодан кайтган деб эълон килишди ва унинг устидан Бухоро амири Насруллога арз килишди. Бухоро амири томонидан 1840 йилда Кўконга юборилган элчи Мухаммад Алихонни ўгай онасига уйлангани сабабли кофир деб эълон килинган деган гапни олиб келди. Шундан кейин хонлиги ва Бухоро амирлиги ўртасида уруш келиб чикади. Урушда Кўкон хони енгилиб, Хўжанд шахрини Бухорога топширишга мажбур бўлади.

1842 йилда Кўконда Мухаммад Алихон унинг зулмига карши халк кўголони бошланади. Бухоро амири Насрулло бундан фойдаланиб, Кўконга лашкар тортиб боради, Кўконни кўлга киритиб, 3 кун талон тарож килади ва Кўкон хони Мухаммад Алихонни, унинг онаси ўз замонасининг ажойиб шоираси Нодирабегимни ёш ўгли Мухаммад Аминни бир канча сарой хизматчилари билан биргаликда халк кўзи олдида катл эттиради, Кўкон Бухорога кўшиб олинади. Бирок 3 ой ўтгач 1842 йилнинг ёзида Кўконда Насруллога карши карши кўзголон кўтарилиб, унинг хокимияти агдарилиб ташланади.

Шундан кейин, Кўкон тахтига собик Кўкон хони Олимхонни Таласда яшаётган жияни Шерали таклиф этилди ва у 1842-1845 йиллар давомида хонлик килди.

Бирок, 1845 йилда Шералихон билан уни тахтга кўтарилишига сабабчи бўлган кипчоклар ўртасида юзага келган зиддият туфайли Шералихон ўлдирилади. Тахтга унинг 13 яшар ўгли Худоёрхон кўйилади. Худоёрхон 1868 йили Чор Россияси билан сулх тузиб, амалда унинг вассалига айланди. Худоёрхонни Чор Россияси билан якинлашишига каратилган соткинлик сиёсати ва унинг хонликдаги зулми халкнинг газабини уйготади. Натижада унга карши халк кўзголонлари бошланади. Ана шундай кўзголонлардан энг каттаси 1872 йилдан то 1878 йилгача давом этган Пўлатхон ва Абдурахмонхон Офтобачи бошчилигидаги кўзголон бошлади. Бу кўзголонлардан кочиб Худоёрхон Тошкентга чор генераллари олдига ёрдам сўраб келади. Чор генераллари ок подшонинг фармони билан 1876 йил 19 февралда жаъми тахтида 16 та хон хукмронлик килган Кўкон хонлиги тугатилиб, Фаргона генерал-губернаторлигига кўшиб юбордилар.

Кўкон хонлигидаги ижтимоий-сиёсий ахвол ва маданий хаёт хам ўзига хос бўлган. Хонлик худудидаги бир томондан Сирдарё билан Коратегин ўртасида жойлашган Фаргона вилоятидан нориб то Туркистонгача, иккинчи томондан Кошгардан то Балхаш кўлларигача бўлган катта ерлар кирган. Хонлик ахолиси ўзбеклар, тожиклар, киргизлар, яхудийлар, афгонлар, козоклар, коракалпоклар, уйгурлардан ташкил топган. Хонлик ташкил этилган вактда унда яшовчи ахолининг умумий сони 1,5 2 млн кишини ташкил этади. Коракалпоклар гилам тўкиш билан танилган. Ўзбеклар, тожиклар асосан дехкончилик, шунингдек косибчилик билан шугуллансалар, киргиз ва козоклар чорвачилик, коракалпоклар гилам тўкиш билан банд эдилар. Яхудийлар, хинди, афгон ва бошка халкнинг вакиллари эса савдо билан шугулланганлар. Яхудийлар яна мусаллас тайёрлаш билан машгул бўлганлар. Кўкон хонлигида дехкончилик билан шугулланувчи ахоли сувдан фойдаланишни мукаммал эгаллаганликлари билан ажралиб турар эдилар. Бу ерда сунъий сугориш ишлари кенг кўламда олиб борилган.

Дехкончиликда бугдой, арпа, тарик, жўхори, шоли, мош, ловия, пахта ва бошка экинлар экилиб, улардан яхши хосил олинган. Ер эгалигининг асосан 4 тури мавжуд бўлган: Биринчиси, хирож ерлари (замини хирожий) асосий ер эгаларининг ерлари. Иккинчиси,

давлат ёки амлок ерлари (замини давлат, замини амлок) бу хон ихтиёридаги ерлар бўлган. Учинчиси хусусий ерлар бўлган, ерлар ичида ўртачаси хисобланган яъни, хон ерларидан кейинги ўринда турган,  (менинг фикримча), бу ерлар хоннинг махсус фармойиши билан берилар эди. Тўртинчи, вакф ерлари, бу ерлар диний муассасаларга карашли эди, унда асосан рухонийлар фойдаланар эдилар.
Хирож ерлари ер эгалари, хусусий ерлар бўлиб, ундан олинган солик хирож деб аталар ва хосилнинг 1Г5 кисмидан то 1Г8 кисмигача ташкил килар эди. Хорижнинг бир кисми хамма хонликлардаги каби бу ерда иш билан олинган.
Амлок ерларидан хон хон баъзан айрим кишиларга такдим этар, бундай ерлар танхо деб юритилар эди. Бу ерлардан солик йигиш хукуки танходорларга берилар эди. Танходорлар ўз ерларини бошкаларга ижарага беришга ёки ўзлари бевосита солик йигиш хукукига эга эдилар.
Хусусий ерлар хон томонидан  айрим кишиларга у ёки бу хизмати учун махсус ёрлик билан берилар ва бундай ерга эга бўлган шахслар хамда жамоаларнинг бари соликдан озод килинар эди. Бундай ерларни “мулки хур” деб аталар эди. Ундан ташкари, “замини ушри” деб юритиладиган ерлар хам бўлган. Улардан хосилнинг 1Г10  кисми баробарида солик олинар эди. Расмий соликлардан ташкари  яна турли хил фавкулодда соликлар бўлган, бунга мисол килиб кумуш солигини олишимиз мумкин.
Расмий соликлардан ташкари яна бошкача килиб айтганда, марказий соликлардан ташкари дехконлар яна район бошлиги учун кафсон доруга, амир учун,  кишлок оксоколи учун, муштак деган соликлар тўлар эдилар. Амлокдорлар келгунча дехконлар хосилни йигиштириб, ўриб олишга хаклари йўк бўлган, хамда солик йигувчилар келиб хосилни тахминий хисоблаб чикар эдилар ва шунга караб олинадиган солик микдорини белгилаб чикар эдилар. Улар дехконларни хохлаганча талаш хукукига эга бўлганлар.
Уй хайвонлари учун яксара солиги хам дехконлар буйнида эди. Бу солик мисол учун бир жуфт хўкиз ёки от учун бир ботмон бугдой баробарида олинар эди. Бу солик мисол учун бир жуфт хўкиз ёки от учун бир ботмон бугдой баробарида олинар эди. Беда экиладиган майдонлардан алаф пули солиги олинганлиги хакида маълумот бор. Кўчманчи киргизлар 40 бош кўйдан 1 кўй солик тўлашган.
Бундай соликлардан ташкари, яна уруш вактларида хон саёхатга чикканда, хонга совга бериш вактларида ахолидан жуда кўплаб соликлар олинар эди. Шахар ахолиси учун солик уйлар, ишхоналар ва дўконлар микдорига караб белгиланган.
Хунармандлар икки табакадан иборат бўлиб,  юкори табакани усталар, куйи табакани шогирдлар, хаммоллар, кунбай ишловчи усталар ташкил килар эдилар.
Асосий хунар хиллари ип ва ипак матолар тайёрлаш, темирчилик, эгар-жабдук ясаш. Буёкчилик, мисгарлик, заргарлик, дурадгорлик, арава ва омоч ясаш, мум ишлаш, писта кўмир тайёрлаш, камиш томлар ясашдан иборат бўлган. Кўконда хонга карашли порох ишлаш ва когоз тайёрлаш корхоналари бўлган.
Кўкон хонлиги худудида ер ости бойликлари хам кўп бўлган ва шулар жумласидан, Наманганда олтин, Андижонда кумуш ва кўргошин, Тянъ-Шаннинг Шимолий тарафида, Коратогда бироз мис ва темир рудалари олинган. Селитра Чаккисўз, Ўратепа, Хўжандда, олтингугурт Лаъликон, Ўратепада учрар эди. Ўш ва Наманганда тошкўмир олинар эди. XIX асрда Кўкон шахрида ип газлама тўкиш марказлашди, жун ишлаш Тошкентда, темир асбоблар Наманганда марказлаша борди. Солик, асосан натурада бўлди ва шу билан бирга пул билан хам солик тўланадиган бўлиб колди.
Россия билан савдо алокалари ривожланди. Россия Ўрта Осиё ўз навбатида, пахта, жун,

чорвачилик, богдорчилик махсулотлари етказиб берган.
Кўкон хонлиги ўзининг атрофдаги бошка  хонликлар билан ўзаро савдо муносабатлари олиб борардилар. Кўкон хонлиги Бухорога мева, ипак чикарар эди. (Хитой моллари хам шу жумладан), Бухоро эса ўз навбатида пахта, жун, юпка матолар, рус чити  каби молларни берарди.
Кўкон хонлигида давлатни бошкаришда хам бошка хонликларга караганда айрим ўзига хос хусусиятлар бўлган.
Хонликда хондан кейинги асосий амалдор мингбоши бўлганки, у хукук ва вазифаси жихатдан Бухоро хонлигидаги Кушбегига тенг бўлган. Кўкон хонлигининг маъмурий-сиёсий сохасида  бевосита хон томонидан Тошкентни идора этиш учун сайланадиган беклар бегини ахамияти катта бўлган.
Кўкон хонлигида мухтасиб лавозими хам бўлиб, у Хива ва Бухоро хонликларидаги раис вазифасини бажарган.Кўкон хонлигида мухтасиб зиммасига яна ахолининг хулк-атвори, юриш туриши хамда шариат, савдо-сотик, талабларини бажариш устидан назорат килиш вазифаси юклатилган.
Хонликда миршаблар, яъни, кўрбошилар бўлиб, улар кечкурун бозорлар ва осойишталикни саклаш билан банд бўлганлар.
Кўкон хонлиги вилоятларга бўлинар. Вилоятлар бекликларга бўлинар, бекликлар эса ўз навбатида аминлик ва оксоколликка бўлинар эди. Вилоятлар устидан хокимликлар, бекликлар устидан беклар, оксоколликлар устидан оксоколллар, аминликлар устидан аминлар хукмронлик килар эди. Хон мамлакат устидан асосий бошлик хисобланар, бирок мамлакатнинг давлат ишларини олиб бориш учун давлат кенгаши ташкил килинар эди. Хон кенгашига хар турли унвонга эга амалдорлар кирар (шу жумладан рухонийлар хам). Хон кенгашининг баъзи аъзолари баъзи бир вилоятларнинг хокими хисобланар эди. Бирок, улар ўз вилоятларида бўлмасдилар. Бошка хокимлар вилоятларда, яъни ўз ерларида яшардилар. Хон олдига факат совгалар топшириш ва айрим хизмат ишлари учун келардилар. Кишлоклардаги аминлар ва оксоколлар вилоят хокимлари томонидан тайинланар, ахолини баъзи судга доир ишларини караш хукукига эга эдилар.
Асосий суд органи кози хисобланиб, уларни хоннинг ўзи тайинлар эди. Козилар хам диний, хам фукаролик ишларини кўрар эдилар. Козилар хатто ўлим хукмини чикаришга хам хукукли эдилар.
Хонликда мингбошидан кейин кушбеги, додхох, понсодбоши ва парвоначи деб аталган амалдорлар турганлар. Улар вилоятлар устидан хукмронлик килганлар, уруш вактларида  кўшинларга кўмондонлик килганлар, тинчлик вактларида  хон кенгашида катнашиб, давлат ишларини хал килганлар. Хонликда армия асосан отликлардан иборат бўлиб, улар факат уруш холатларидагина чакирилган. Уларда на каттик харбий интизом,  на бир хил харбий кийим бўлган.
Харбий кисмлар асосан вилоят хокимларининг кўлидаги кўшинлардан ташкил топган.
Харбий кисмлар асосан вилоят хокимларининг кўлидаги кўшинлардан ташкил топган.
Харбий кимлар 3 га бўлинар эди: Сипох (кавалерия), Сарбоз (пиёда аскарлар), Тўпчи (артиллерия). Сипохлар отлик аскар бўлиб, хон гвардияси ёки вилоят хокимлар кошидаги харбий кисмлар составига кирар эди. 1830 йилда Кўкон хонлигининг энг йирик харбий кисми Тошкент отрядида 15 минг сарбоз бўлган. Кўкон хонлиги кўшинларининг куролланиш даражаси Бухоро хонлигига караганда ёмонрок бўлган. XIX асрнинг 50-йилларида хонлик кўшинларининг 1Г7 кисмигина пиликли милтиклар билан куролланган бўлиб, бутун хонликда 100 га якин мисдан куйилган замбараклар бўлган

холос. Бошка хонликлардаги каби ерлар асосан бойлар, амалдорлар, ўзига тўк мехнаткашлар, диний ходимларнинг кўлида эди. Ерга эга бўлмаган дехконлар бойлар ва катта ер эгаларининг кўлида огир шароитларда ишлар эдилар. Ана шундай дехконларни чоракорлар дер эдилар.  Чоракорлар хосилни йикканларидан кейин 1Г5 кисмини хирожга ва ёлланган ишчи кучига тўлагандан сўнг ¼ кисмини ўзига олиб колар эди. Агар пахта ёки жухори  ишлаб чикарилган бўлса, халиги тўловлардан сўнг, 1Г3 кисми унга колар эди.  Кўкон хонлигида яшовчи Наливкин ва Наливкиналар у ердаги ахолини хаёти хакида гапира туриб шундай дейишган. “Улар очликка (хар доим оч яшашга) ўрганиб кетганлари учун, йилнинг маълум фаслларидаги очлик улар учун кишдаги совук ва ёздаги иссик каби табиийдир”.
Камбагал ахолининг уйлари гуваладан ясалган, капа, ертўла кўринишидаги уйлар бўлганлигини айтиб ўтиш керак. Бундай уйларга ертўла бўлса, эшик билан мўри ягона нур тушиб турадиган жой бўлган. Хаво каттик совук бўлганида эшик махкам ёпилар, мўри кигиз билан тўсилар эди, сассик кора чирок ёкиб ўтирилар эди.
Маориф тизими асосан ислом дини асосида тузилган эди,  яъни 2 боскичга бўлинган бўлиб, 1 – боскичда билан ўкувчиларга (калтаклаш усули билан) Куръон ва баъзи бошка китобларни механик ёдлаттирар эди. Бу боскичнинг муддати 2-5 йил эди. 2-боскичда олий даражада маълумот олинар эди. Муддати 20 йилгача эди.
Юкорида ижтимоий, иктисодий, сиёсий шарт-шароитлар Кўкон хонлигида санъатга хам таъсир кўрсатди. Бу таъсир натижасида бу ерда хам адабиётнинг 2-кисми яъни демократик ва феодал-клерикал окимидир. Демократик адабиёт намоёндалари сифатида Гозий, Хозик, Нодира, Махзуна, Увайсий каби замонасининг ажойиб шоиру-шоираларини кўрсатиш мумкин. Бирок, шуни хам алохида таъкидлаш лозимки, такдир такозоси билан мамлакатимиз худудида вужудга келган сулола вакилларининг айби билан бойлик, ер, юрт ва тахт талашиб доимий равишда бир-бирлари билан тўхтовсиз урушлар олиб борди. Бу ўз навбатида мамлакат халк бошига сон-саноксиз кулфатлар келтирди.
Шундай килиб, Марказий Осиёда тарих такозоси билан вужудга келган уч хонликдаги ижтимоий иктисодий ва маданий хаёт хакида гапирар эканмиз, шу нарсага эътиборни каратишимиз керакки, энг аввало хар уччала хонлик хам ўша даврдаги хукмрон синфлар манфаатини химоя килишга тўла бўйсундирилган эдики, бу навбатида ўлкада иктисодий, маданий ва харбий сохада ночорликни келтириб чикарди. Бундан фойдаланган Чор Россияси ўлкани босиб олиб,  ўз мустамлакасига айлантирди.